



# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

1 (485) ● 2018 йил 1 январь, душанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

### ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Азиз ва муҳтарам ватандошлар!  
Кадрли дўстлар!  
Жонаҳон Ватанимизга Янги – 2018 йил кириб келмоқда.  
Сиз азизларни, мўтабар нурунийлар, меҳрибон опа-сингилларимизни, азму шижоатли ёшларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни ўшбу кутлуғ айём билан самимий табриклайман.  
Барчангизга сihat-саломатлик, тинчлик-хотир-жамлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.  
Минг шукри, турли муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2017 йил мамлакатимиз учун тинч, ҳар томонлама омадли ва бароқали бўлди.  
Биз тараққиётимизнинг янги даври, янги босқи-

чига кадам қўйдик. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида белгиланган вазифаларни бажаришга бор куч ва имкониятларимизни сарфарбар этдик.  
Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2017 йилни барча соҳаларда ёруғ юз билан яқунлашга эришдик.  
Энг муҳими, давлатнинг халққа муносабати ўзгармоқда. Халқ деган тушунчанинг қадри юксалмоқда. Эл-юртга хизмат қилиш ҳаётимиз мазмунига айланмоқда.  
Буларнинг барчаси одамларимизнинг кундалик ҳаётида ўз амалий ифодасини топмоқда. Уларнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкам бўлмоқда.  
Ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимиз ҳам, айтиш мумкинки, ғоятда самарали бўлди. Айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатларимиз янги раҳ ва мазмун касб этмоқда.  
Бу эса минтақамизда ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик муҳитини янада кучайтириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда. Биз бу стратегик йўлни 2018 йилда ҳам изчил ва фаол давом эттираемиз.  
Фурсатдан фойдаланиб, узок ва яқин барча мамлакатлар халқларини ҳам, Янги йил байрами билан табриклаб, уларга тинчлик ва раванк тилаймиз.  
Азиз юртдошлар!  
Биз Янги – 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном бердик.  
Биз буюк келажагимизни айнан мана шундай юксак мақсад ва ғоялар асосида барпо этаемиз.

Халқаро майдонда кескин рақобат кучайиб бораётган ҳозирги вақтда бу энг тўғри ва самарали йўлди.  
Шу маънода, 2018 йил Ўзбекистон тараққиётида хал қилувчи йил бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.  
Янги йилда ҳам халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини, барча тоифадаги аҳолимиз даромадларини оширишга алоҳида аҳамият берамиз.  
Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.  
Чет эллардаги ватандошларимиз билан алоқаларни кенгайтиришга янада катта эътибор қаратамиз.  
Ишонаман, 2018 йилда барчамиз биргаликда, ўзимизни аямасдан меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган вазифаларни бажаришга албатта эришамиз.  
Азиз ва муҳтарам ватандошларим!  
Мана шу нурафшон дақиқаларда ҳаммамиз эзгу орзу-умидлар билан Янги – 2018 йилга кадам қўймоқдамиз.  
Менинг ниятим, тилагим шуки, ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурод-мақсадига етсин!  
Барчангизга дунёдаги энг катта бахт – оилавий хотиржамлик, фарзандлар, набиралар бахту камалини кўриш насиб этсин!  
Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!  
Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

#### Муносабат

### ШИДДАТЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

#### БАРЧАМИЗДАН ЯНАДА КАТТА КУЧ-ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Жаҳондаги тараққий топган ақсарият мамлакатларда давлат раҳбарининг миллий парламент аъзолари ҳузурда энг асосий ва долзарб сийёсий, ижтимоий-иқтисодий масалалар ва жамиятни демократик ривожлантириш бўйича Мурожаатнома билан чиқиш таърибаси мавжуд. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни мамлакатимиз тарихида биринчи марта Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этгани давлат бошқарувишиг бирдай демократик усули мамлакатимизда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилиш билан бирга, уларга янги куч, янги қувват, янги шиддат бағишлади.

Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасини тинглаб, бугун – 2017 йилнинг поёнига яқинлашоби, балки бу шиддатли ислоҳотларнинг бевосита иштирокчиси бўлганимиздан Ватанимиз ва халқимиз ҳаётида тарихий аҳамиятга эга кунларни яшоб ўтаётганимизни тўлиқ англамай қолганимизни ҳис этдик. Чиндан ҳам Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида мамлакатимиз ҳаётига доир ҳар бир қарор халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилинди. "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғоя барча соҳада фаолият мезонига айланди.

2-бет

#### Менинг фикрим

### БИЗГА ДАВР ТАЛАБИГА МОС КИНОАСАРЛАР КЕРАК

Кино — томошабинларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қиладиган, уларни тарбияладиган ва яхшиликка йўналтирадиган санъат тури саналади. Қолаверса, бошқа санъат турларига нисбатан аудиторияси кенг бўлиб, уни миллийлаб инсонлар томоша қиладиган, унда руҳий ва маънавий озғиқа олади.

Айниқса, бугунги глобаллашган дунёда халқимиз маънавий ва маърифий дунёқарошини шакллантириш, ёшларни она Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш, миллий анъана ва бекиёс маданий меросимизни улуғлаш, халқимиз, хусусан, ёшларимизни турли ёт ғоялардан, ҳозирги кунда бутун дунёда ўта долзарб бўлиб турган диний ақидапарастлик ва экстремизм, зўравонлик ва гиёҳвандлик балосидан сақлашда кино санъати муҳим ўрин тутди. Бу эса ана шундай ўткир муаммо ва масалаларни кино санъати воситасида кўрсатиб бериш, кенг оммани огоҳ этиш ва асрашга хизмат қиладиган фильмларни яратилиши тақозо қилмоқда.

2017 йилнинг 29 декабрь куни Президентимиз раислигида миллий кино санъати ва киноиндустрияимизни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва бу борода мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалаларига бағишланган йиғилишда ана шундай масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

4-бет

#### Танқиддан сўнг...

### "ЎЗБЕККИНО" МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ: "ХОЛИС ТАНҚИД ЎЗ МЕВАСИНИ БЕРАДИ"

Газетамизнинг шу йил 1 ноябрь, 45-сонда "Эрталар яхшиликка етаклар, ҳўш, мультфильмлар-чи?" номли таҳлилий мақола эълон қилинган эди. Унда бузғун кунда миллий телеканалларимизда намоиши этилаётган мультфильмларнинг болалар онгу руҳиятига кўрсатаётган салбий таъсири, улларда акс этаётган "оммавий маданият"нинг яширин қиёфаси ва бу нафақат ёш авлод тарбияси, балки миллат маънавиятига ҳам салбий таъсир этаётгани, ўзбек аниimatorлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида сўз борган эди.

5-бет

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги – 2018 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, компаниялар раҳбарлари ва жамоат арбобларидан Президентимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-асоийшталик, сihat-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар изхор этилган самимий қутловлар келмоқда.  
Куйдагилар ўз табрикларини йўллаган:  
Россия Федерацияси Президенти — Владимир Путин  
Хитой Халқ Республикаси Раиси — Си Цзиньпин  
Қозғистон Республикаси Президенти — Нурсултон Назарбоев  
Қирғизистон Республикаси Президенти — Сооронбай Жээнбеков  
Тожикистон Республикаси Президенти — Имомали Раҳмон  
Туркменистон Президенти — Гурбангули Берdimухамедов  
Озарбайжон Республикаси Президенти — Илҳом Алиев  
Беларусь Республикаси Президенти — Александр Лукашенко  
Корея Республикаси Президенти — Мун Чжэ Ин  
Япония Бош вазири — Синдзо Абэ  
Буюк Британия Бош вазири — Тереза Мэй  
Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — Франк-Вальтер Штайнмайер  
Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери — Ангела Меркель  
Испания Бош вазири — Мариано Рахой  
Италия Республикаси Президенти — Серджио Маттарелла  
Словакия Республикаси Президенти — Андрей Киска

Словения Республикаси Президенти — Борут Пахор  
Польша Республикаси Президенти — Анджей Дуда  
Норвегия Қироли — Харальд V  
Европа Кенгаши Раиси — Дональд Туск  
Афғонистон Ислам Республикаси Президенти — Муҳаммад Ашраф Ғани  
Эрон Ислам Республикаси Президенти — Хасан Рухоний  
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти — Халифа бин Зоид Ол Наҳаён  
Мўғулистон Президенти — Халтмаагийн Баттулга  
Исроил Давлати Бош вазири — Биньямин Нетаньяху  
Россия Федерацияси ҳукумати Раиси — Дмитрий Медведев  
Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси — Валентина Матвиенко  
Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири — Ли Кэцян  
Бутунхитой халқ вакиллари кенгашининг Доимий қўмитаси раиси — Чжан Дэцзян  
Янги Зеландия Генерал губернатори — Пэтси Редди  
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими — Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум  
Бирлашган Араб Амирликлари Бош кўмондон-и ўринбосари, Абу Даби Амирлиги валиоҳди — Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён  
Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котиби — Рашид Алимов  
НАТО Бош котиби — Йенс Столтенберг  
ШҲТ Минтақавий ақсилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори — Евгений Сисоев  
БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) Бош директори — Жозе Грациану да Силва

БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари — Наталья Герман  
МДҲ Парламентлараро ассамблеяси кенгаши Бош котиби вазифасини вақтинча бажарувчи — Сергей Антүфьев  
Авиация бўйича давлатлараро кенгаш президенти, Давлатлараро авиация қўмитаси раиси — Татьяна Анодина  
"Мир" давлатлараро телерадиокомпанияси раиси — Радик Батиршин  
Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти — Шиничи Китаока  
Халқаро болалар фондлари ассоциацияси Президенти — Альберт Лиханов  
Қасоба уюшмалари умумий конфедерацияси бош котиби — Владимир Шербаков  
Тошкент ва Ўзбекистон метрополити, Ўрта Осиё метрополит округи раҳбари — Викентий  
БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили — Хелена Фрейзер  
Ядро тадқиқотлари бирлашган институти директори — Виктор Матвеев  
Россия нефть-газ саноатчилари уюшмаси кенгашининг раиси — Юрий Шафраник  
"ЛУКОЙЛ" нефть-газ компанияси президенти — Вагит Алекперов  
Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори — Виктор Гришин  
Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари — Эдуардс Стипрайс  
Siemens концерни Президенти ва бош директори — Жо Кэзер  
Қутловлар келиши давом этмоқда.

#### ЎзМТДП фракциясида

### ЮРТ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

#### ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР ОЛДИДА ТУРГАН МУҲИМ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг парламентга Мурожаатномаси том маънода тарихий воқеа бўлди. Мамлакатимиз тарихида Президент илк бор Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатнома билан чиқди. Мазкур Мурожаатнома мамлакатимиз тараққиётини

таъминлайдиган, уни ҳар томонлама ривожлантиришга асос бўладиган дастуриламал хужжатдир. Унда ўтган 2017 йилда амалга оширилган ислоҳотлар ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди, ҳар бир соҳа ва тармоқдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш,

соҳалар ривожини таъминлаш борасида қатор янги ташаббуслар ва ғоялар илгари сурилди. Шу боис бузғун мазкур Мурожаатнома нафақат мамлакатимиз жамоатчилиги, балки хорижий мамлакатлар вакиллари томонидан ҳам кенг эътироф этилаётган ва келгусидаги тармоқда, мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, ҳар бир ташкилот ва

идора келгусидаги вазифаларини белгилаб олаётир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши ҳам ушбу Мурожаатномадан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

2-бет






Менинг фикрим

БИЗГА ДАВР ТАЛАБИГА МОС КИНОАСАРЛАР КЕРАК

<Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Давлатимиз раҳбари соҳа олдига турган долзарб вазифалар ҳақида тўхталиб, кино санъатининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёш режиссёр, актёр, оператор ва...

Айрим режиссёрларимиз тезроқ кино ишлаш ёки "кассадол" фильм қилиш учун енгил-елпи сценарийлардан ҳам фойдаланаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, хусусий кино-студияларда ишлаб чиқарилаётган аксарият фильмлар савияси пасойиб кетаётганининг ҳам асосий сабаби ана шунда, яъни улар ғоявий ва бадий жиҳатдан мукамал сценарий асосида ишланмаганидир. Бу сценарийнавислар учун алоҳида ўқувлар ташкил қилиш, уларнинг малакасини муттасил ошириб боришни талаб этади.

Эмслигини алоҳида қайд этди. Ингилишда давлатимиз раҳбари кино санъатини, киноиндустриямининг жаҳон миқёсида рақобатбардошлигини таъминлаш, бунинг учун етук профессионал режиссёрлар, кинодраматурглар, актёрлар, расомлар, операторлар тайёрлаш зарурлиги ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Бурҳон ШАРОПОВ, кинорежиссёр, ЎЗМТДП фаоли

ВАТАН ИЧРА МЎЪЖАЗ ВАТАН

САМИМИЯТ САМИЙЛИККА ЧОРЛАЙДИ



Дарвоқе, шундай. Самимий айтилган сўз, хайрли амал одамни нафақат тўлқинлантиради, балки унинг қалбига шижоатни, жасоратни, эртанги кунга умидни оловлантиради. Бу ҳаётда ўз исботини топган гап. Албатта, ўтган кунни сўқиб морднинг иши эмас. Лекин ҳаётда бўлаётган ўзгаришларни тан олмаслик ҳам виждондан эмас.



Халқимизга тўхфа этиладиган ўша муҳташам хиббонда Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Усмон Носир, Беҳбудий каби миллатимизнинг ҳақиқий мард ва фидойи фарзандлари хотиралари ҳам абадийлаштирилди. Адабиёт яшаса, миллат яшайди, деган эди Чўлпон. Бугун адабиётга кўрсатилаётган эътиборга мен миллатнинг қадрини улуғлашга чопанлиш, деб қарайман. Биз кўп маҳаллар жамиятимиздаги камчиликларни очикчасига ҳаспўшлаб келдик.

Мен 80-йилларда газеталардан бирига берган сўхбатимда "инсон шахсиятига меҳр берилиш керак" деган эканман. Ҳақиқатан ҳам одамларга меҳр-муҳаббатли бўлиш, уларнинг дарду ўйи билан яшаш диёнатли, виждони пок одамнинг иши. Ўзингиз бир ўйланг, қайси замонда давлат раҳбари одаллар соғлиги, тинчлигу хотиржамлигини ўйлаб устмо-уст йиғилиш ўтказган, қуйиб-пишган. Элнинг дарду гамига бунчалар яқин бўлган. Турмаларда азоб чекиб ётган уч мингга яқин мазлумни афв этиш учун одамнинг юраги, қалби қанчақа бўлиши керак...

ШУКРУЛЛО, Ўзбекистон халқ шоири

БУГУНГИ ҲАР КУНИМИЗ ҚАЛБИМИЗНИ ҲАПРИҚТИРАДИ



Ҳали болалигимдаёқ шеврийга меҳрим тушган. Шоир бўлиш орзусида юрган умҳаллар ижодкорнинг асл масъулияти ҳақида ўйлаб кўрмаганман, эҳтимол. Орадан кўп яхши кунлар ўтди, кўнгил тўлмаган ишлар ҳам ортда қолди, орзулар ўшолди. Фурсат оралаб чопиб, гўзал кунларга етиб келдик...

оширилган ташаббус эди бу. Бугун Зоминнинг "Ўрикисой" дараси кўп истеъодли ёзувчи-шоирларнинг ижод махсули, шеър жаранги билан тўлиб-тошган. Кейинчалик Бош вазир бўлган пайтларида ҳам ижодкорлар ҳақида кўп қайғурди. Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Эркин Воҳидов (руҳи шод бўлсин) бетоб бўлиб ётганда Шавкат Мирзиёев ҳол сўраб борган, шоирнинг кўнглини кўтаридиган яхши гаплар айтган. Эркин аконинг соғлигини шахсан ўзлари назорат қилиб турган. Ижодкорга бўлган ғоят таҳсинли эътибор эди бу.

тернатлар ёш адабиёт ихлосмандлари учун катта имконият. Президентимиз бу мактабларга устоз ижодкорларимиз бориб, ёшларга дарс бериш, адабий сўхбатлар уюштириш таклифини билдирди. Ҳар бир мактабга адабий нашрлар етиб бориши керак, деди жонқуярлик билан. Мана, уюшмамизга замонавий бино совға қилинмоқда. Бу бизнинг Ватан ичра мўъжаз Ватанимиздир. Шу пайтгача Ёзувчилар уюшмаси ўз биносига эга эмасди. Ижоранда турарди, кўп биноларга кўчдик, сарсон бўлдик. Ниҳоят биз истогимиз рўёбини кўряпмиз. Бино ичида кутубхона, музей ташкил этилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу ерни энг зўр асарлар билан бойитиш, жаҳон адабиёти, қардош халқлар дурдона асарларини жойлаштиришга эътибор қаратди. Кутубхона ва музей бизнинг фахримизга айланishi, юртимизга келган меҳмонларни бу ерга олиб келсак, улар ҳам қувона оладиган даражада бўлиши керак, деди Шавкат Миромонович.

Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири

Эхтиром

Атоқли адабиётшунос олим, адиб ва таржимон Иброҳим Гафуровнинг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланаётгани бугун юртимизда ижод аҳлига қаратилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг амалдаги намунаси. Танглайи китоб билан қўтарилиган, бутун умрини адабиётга, илмга бағишлаган адиб бугун меҳнатлари самарасини кўрмоқда, элу-юрт эъзози, ҳурматига сазовор бўлаёттир.

ҲАССОС ВА БЕОРОМ ҚАЛБ ЭГАСИ



елкама-елка фаолият олиб борган ижодкор ва касбдош дўстлари, шоғирдлари Акмал Саидов, Шориға Салимова, Нодир Жонузок сўз олиб, дил сўзларини изҳор этди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида адиб таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бодий кеча бўлиб ўтди. Унда адибнинг оила оъзолари, ҳамкасблари, дўсту биродарлари, давлат ва жамоат арбоблари, олимлар ва ижод аҳли иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Иброҳим Гафуров таваллудининг 80 йиллигига йўллаган табригини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Ҳайридин Султонов ўқиб эшиттирди. Табрикда, жумладан, шундай дейилган: "Ватан ва миллатга, сўз санъатига садоқат ҳақида сўз борганда, жамоатчилигимиз, халқимиз, биринчи навбатда, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган Сиз каби илгор фикрли зиёлиларимизнинг ноиларини ҳурмат билан тилга олиши табийдир. Мамлакатимизда маънавий-маърифий жараёнлар янги, юксак босқичга кўтарилиб, ҳал қилувчи кучга айланаётган бугунги кунда Сиз сингари чўқур билим ва ҳаётий тажрибага, фаол ижтимоий позицияга эга бўлган, қалби, виждони уйғоқ замондошларимизнинг ҳаётдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Сизнинг мана шундай улғу ва табаррук ёшда ҳам фаол ва жўшқин ижод билан шугулланаётганингиз барчамиз учун, аввало, навқирон истеъдод эгалари учун юксак ўрнатилган ибрат намунаси."

Иброҳим Гафуров. — Аммо энг ҳаётбахш ибратни халқимнинг меҳри, бағрикенглиги, матонатидан олдим. Бир нафас ҳам сўз меҳнатидан фориғ бўлмадим. Мен Ўзбекистоннинг улғу қуйчилари виждон уйғоқлиги учун бонг урган замонларда яшадим. Уларни она юрт муҳаббати шоир қилганини кўрдим. Шукрки, уларнинг юрак қони билан битилган асарлари биз билан яшмоқда ва абадий яшайди. Ўз юртига фидокорлик билан хизмат қилган ҳар бир одам бахтлидир. Шу боис юрти учун ёниб меҳнат қилган инсон толеида яхшилик борлигига ишонман. Бизни йўқлаб келган Сиз, азизларга бош эгиб, таъзим қиламан. 2017 йилда мамлакатимизда бошланган залворли юксалиш, келажакка юзланиш янги йилда янги саодатлар билан ҳар бирингизнинг ҳаётингиз, қисматингиз, толеингизда давом этсин. Ўзбекистонимиз, меҳри дарё халқимиз, юраги олов ёшларимиз, мангу истиқлолимиз бор бўлсин, униб-улғайсин. Таъкидлаш жоиз, ҳукумат қарори билан Ўзбекистон санъат арбоби Иброҳим Гафуровнинг 80 йиллиги юртимизнинг барча йўлида, адабиёт вақиллари орасида, таълим даргоҳларида кенг нишонламоқда. Бу вазифа оралиғида адибнинг 9 китоби нашрдан чиқди. Шунингдек, Иброҳим Гафуровнинг ҳаёт ва ижод йўли ақс этган тўпламлар нашр этилди.



Хуриш ДЎСТМУҲАММАД, ёзувчи, публицист

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкил топган дастлабки йилларида Иброҳим Гафуров унга етакчилик қилди. Бу даврда партия ҳали тўла шаклланмаган, ташкилий-молиявий жиҳатдан ночор аҳволда эди. Лекин шунга қарамай, партиянинг оёққа туришида у киши бош-қош бўлди. Сиёсий партия ирода, садоқат билан ишлашни такозо қилишни англашишида Иброҳим Гафуровнинг мана шу фаолияти бизга ўрнатилди. Шу билан бирга "Миллий тикланиш" газетасининг бош муҳаррири сифатида фаолият олиб бориб, унинг зиёлилар, халқ орасида омаллаштиришга муносиб ҳисса қўшди. Мушторийлар бу газетанинг кейинги сони чоп этилишини кута бошлади. Газетада сиёсий публицистика жанрини йўлга қўйди. Сиёсий рўҳдаги мақолалар ҳам сиёсий, ҳам бадий-публицистик тус ола бошлади. Буларнинг барчаси Иброҳим Гафуровнинг адабиёти, ўз ишини юракдан севганидан, қайси ишга қўл урмасин, фидойилик билан ёндашишидан бунёд бўлди.

Нодир ЖОНУЗОҚ, "Ёшлик" журналы бош муҳаррири

— Ортада қолган йилни, ҳеч иккиланмай, адабиёт йили бўлди, десак муболага бўлмайди. Сабаби 2017 йилда миллий адабиётимизни юксалтириш, уни яндода ривожлантириш, адабиёт жонқуярлари, соҳа вақилларини қўллаб-қувватлаш борасида Президентимизнинг алоҳида қарор ва фармонлари қабул қилинди, қўллаб-қувватлаш ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон санъат арбоби, устоз адиб, моҳир таржимон ва муноқид Иброҳим Гафуровнинг 80 йиллигининг мамлакатимизда кенг нишонланиши мана шу гамхўрликнинг яна бир ёркин намунаси. Иброҳим Гафуров асарларини ўқиган инсон унинг ўзбек адабиётидаги ўрни нақадар залворли эканини англайди. Унинг адабий мақолалари, бадий мансуралари ва таржималари ўзига ҳос маҳорат билан ёзилган ва амалга оширилган. Жаҳон адабиётининг энг дурдона намуналарини, дунё адабиётининг иқлимининг белгилаб берилган асарларини таржима қилди. Бу асарлар ўқувчида ўзбек тилида ёзилгандек, тилимининг бекиёс қуввати билан қозоғга тушгандек таассурот қолдиради. Бу, албатта, бевосита таржимон маҳорати билан боғлиқ жараён. Таржима шунчаки бошқа тилдаги асарни сўзма-сўз ёзиш эмас, балки бошқа тилнинг руҳини кўчириш демакдир. Бундай масъулиятли вазифани адо этиш учун эса таржимонда асар муаллифи билан қарийб тенг куч-қувват, идрок ва маҳорат бўлиши керак. Иброҳим Гафуров руҳиятида ана шундай хислатлар муржабман бўлгани боис, энг дурдона асарларни ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилди. Ўзига ҳос донишмандлик унинг барча асарига ақвол ақс этади. Сўхбатларимизнинг бирида устоз "мен фикр адабиётини яратишга ҳаракат қилдим", деган эди. Бугун мамлакатимизда фикр эркинлиги учун кенг майдон яратилаётган, давлатимиз раҳбари халқимизни фаолилик, фикрлашга даъват этган бир пайтда фикрий адабиёт шу соҳа аҳли учун ҳам, жамият учун ҳам муҳим омили саналади.

— Умрим давомида китоблардан кўп ва хўп ибрат олдим, — деди

Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири



Реклама

Барча юртдошларимизни

Янги — 2018 йил

билан қизғин ва самимий муборакбод этамиз.

Янги йил барчага янги-янги

қувончли кунлар, саодатли

лаҳзалар ҳадя этсин. Хонадонингиздан

қут-барака, дастурхонингиздан

тўкинлик аримасин!

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти

“Хоразмгаз” филиали жамоаси

Фестиваль

## ЭНГ ЯХШИ ИЖТИМОЙ РОЛИКЛАР ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг “Media-холл” мажмуасида Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат ношаролат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси билан ҳамкорликда Ижтимоий телерадиомаҳсулотлар IX миллий фестивали ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Парламент комиссияси аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йирилганлар маъмур фестивал аҳоли, хусусан, ёшларни жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларга оид долзарб мавзуларда таъсирчан ижтимоий роликларни тайёрлаш, бу йўналишда фаолият юритувчи ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларни муносиб рағбатлантиришга хизмат қилишини таъкидлашди.

Фестивалда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан амил эканлиги, бу борада чинакам профессионал замонвий журналистикани шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини, ахборот ва таҳлилий Интернет сайтларини молиявий қўллаб-қувватлаш, бунинг учун махсус давлат фондиди тузиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилгани қайд этилди.

Фестивалда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси жараёнларини ёритишга, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган энг яхши ижтимоий роликлар голиблари ҳакамлар ҳайъати томонидан онлайн овоз бериш йўли орқали аниқланди.

— Ижтимоий роликларда Президентимиз томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг Конституциямиз тамойилларига ўйгун ва ҳамоҳанглигини ёритишга ҳаракат қилдик, — дейди “Sevimli TV” бошловчиси, фестиваль голиби Жаҳонгир Олимов. — Халқимиз янгилик ва ўзгаришлардан жуда мамнун. Биз уларнинг бу хурсандчилигини томошабинларимизга етказишни мақсад қилдик.

Голиблар махсус диплом, статутка ва мукофот билан тақдирланди.

Шунингдек, фестиваль доирасида Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган давлат гранти голибларига сертификатлар топширилди.

Исломжон ҚҮЧҚОРОВ,  
“Milliy tiklanish” мухбири

МММда

## “ЎЗГИДРОМЕТ” ИМКОНИАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

БУ ЭСА АҲОЛИГА ИШОНЧЛИ МАЪЛУМОТ БЕРИШ ИМКОНИНИ БЕРАЁТИР

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг вазифаси — табиатда бўлаётган ўзгаришларни мутиазам кузатиб бориш, ноқулай об-ҳаво шароитлари юзага келиши хавфини прогноزلати, уларнинг ривожланиши тўғрисида огоҳлантиришдан иборат. Зеро, бугунги ривожланган даврда об-ҳаво ва иқлим тўғрисидаги ишончли маълумотлар нафақат иқтисодиётнинг турли тармоқларида барқарор ўсишни таъминлаш, балки экологик офат оқибатларини юмшатишда муҳим аҳамиятга эга.

Миллий матбуот маркази ҳамда Гидрометеорология хизмати маркази ҳамкорлигида ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

— Ҳар кун “Ўзгидромет” да бир неча турдаги таҳлилий ва прогноз маълумотлар тайёрланаркан, бу жараёнда хавфли ҳодисалар юзага келиши тўғрисидаги огоҳлантиришлар муҳим ўрин тутди, — деди “Ўзгидромет” бош директори ўринбасари Б.Нишонов. — Марказимизда мониторинг жараёнида замонвий кузатиш технологиялари — йўлдошлардан олинган маълумотлар, ер усти мониторинги ва хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ахборот тизимидан фойдаланади. Хавфли гидрометеорологик ҳодисанинг намоён бўлишига қараб тегишли вазирлик ва идораларга, аҳолига огоҳлантириш берилади.

Матбуот анжуманида “Ўзгидромет”нинг таркибий қисмлари ҳақида кенг маълумотлар тақдим этилди. Жумладан, авиацияни метеорологик маълумотлар таъминоти хизматининг иш фаолияти ҳаво кемалари экипажларини авиометеорологик маълумотлар билан таъминлаш ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ва хорижий авиакомпанияларга хизмат кўрсатишдан иборат. Табиий муҳит ифлосланиши мониторинги хизматиде атмосфера хавоси, юза сувлар ва тупроқ ифлосланиши устидан кузатув олиб борилади. Ҳозирда атмосфера хавоси ифлосланиши устидан кузатувлар мамлакатимизнинг 25 та йирек шаҳри ва аҳоли пунктида олиб борилаётир.

Таъкидланганидек, кузатилаётган иқлим ўзгаришлари оқибатида хавфли ҳодисаларнинг намоён бўлиши ҳам ўзгариб бормоқда: курғоқчилик, сел, сув тошқинлари каби экстремал ҳодисалар тез-тез такрорланмоқда. Шу муносабат билан хавфли ҳодисалар мониторинги эрта огоҳлантириш тизимининг асосий таркибий қисмига айланди.

Ниора НИШОНБОВА,  
“Milliy tiklanish” мухбири

Бизнинг шарҳ

## МЕКСИКА ПАРЛАМЕНТИ

ИККИ ПАЛАТАЛИ БЎЛИБ, ҚҲИИ ПАЛАТАДА 500 ДЕПУТАТ, СЕНАТДА 128 СЕНАТОР ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАДИ

Мексика Қўшма Штатлари Шимолий Американинг жанубий қисмида жойлашган. Шимолдан АҚШ, жануби-шарқдан Белиз ва Гватемала билан чегарадоши. Ғарбий соҳилларини Калифорния кўрғазини ва Тинч океани, шарқий соҳилларини эса Мексика қўлтиғи ҳамда Кариб денгизи суви ювиб туради. Майдони — 1 миллион 972 минг 550 квадрат километр. Аҳолиси — 121 миллиондан зиёд. Расмий тил — испан тили. Пойтахти — Мехико шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 31 штат ва 1 пойтахт федерал округига бўлинади. Йирик шаҳарлари: Мехико, Гвадалахара, Монтеррей, Леон, Сьюдад-Хуарес.

Амалдаги Конституцияси 1917 йилнинг 5 февралда қабул қилинган ва кейинчалик ўзгартирилган. Давлат бошлиғи — Президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Депутатлар палатаси ҳамда Сенатдан иборат икки палатали парламент — Бош Конгресс, ижро ҳокимиятини Президент амалга оширади. Миллий байрами — 16 сентябрь — Мустақиллик эълон қилинган кун (1810 йил). Мексика билан Ўзбекистон ўртасида 1992 йилнинг 16 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.


Қўшма палата умумий сайлов ҳуқуқи асосида уч йил муддатга сайланадиган 500 депутатдан иборат. Уларнинг 300 нафари бир мандатли округлар бўйича мажоритар, 200 нафари эса пропорционал сайлов тизими асосида сайланади. Сенатда ҳар бир штат ҳамда пойтахт федерал округидан тўрт нафардан олти йил муддатга сайланадиган 128 сенатор фаолият юритади.

Парламент сессияси ҳар йили 1 сентябрдан 31 декабрга қадар ўтказилади. Сессиялар оралиги пайтида парламент ваколатини иккала палата томонидан тузиладиган доимий комиссия бажариб туради. Доимий комиссия 39 аъзодан иборат бўлиб, унинг 15 нафарини депутатлар, 14 нафарини эса сенаторлар ташкил этади.

Сайловгача 21 ёшга тўлган фуқаро депутат, 25 ёшга тўлган фуқаро сенатор этиб сайланиши мумкин. Депутат ва сенаторлар билан бир вақтда уларнинг ўринбосарлари ҳам сайланади. Сенатор ва депутатлар ўз ваколатларини амалга ошираётган пайтда ҳақ тўланадиган бошқа давлат лавозимларида фаолият юритиши мумкин эмас.

Бош Конгресс қонунларни қабул қилиш, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши билан боғлиқ масалаларни, ҳусусан, янги штатларни тузиш, уларнинг чегараларига ўзгартириш, солиқларни жорий этиш, амнистия актини қабул қилиш каби ваколатларга эга.

Депутатлар палатаси давлат бюджетини ҳам қабул қилади, ҳам ижроси назоратини олиб боради. Сенат халқаро шартномаларни, Олий суд таркибини, Президент-



нинг айрим мансабдор шахсларни лавозимга тайинлаш ҳақидаги қарорини тасдиқлайди, штатлар ҳокимиятлари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган баҳсли вазиятларни ҳал этади, давлат хавфсизлиги стратегияси миллий дастурини қабул қилади.

Президент, депутатлар, сенаторлар, штатларнинг қонунчилик органлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Қонун лойиҳаси аввал қўшма палатада кўриб чиқилиб, сўнгра юқори палатага тақдим этилади. Юқори палата маъқуллаган қонун лойиҳаси кўриб чиқиш ва имзолаш учун Президентга юборилади. Давлат раҳбари уни ҳеч бир эътирозларсиз имзоласа, у тезда матбуотда эълон қилиниши шарт. Президент уни ўз эътирозлари билан қўшма палатага қайтаришига ҳақли. Борди-ю, ҳар иккала палата аъзоларининг ўчдан икки қисми уни қайта маъқулласа, қонун қабул қилинган ҳисобланади.

Депутатлар палатаси қабул қилган қонун лойиҳаси юқори палата томонидан қайтарилиши мумкин. Борди-ю, қўшма палата мажлисида ҳозир бўлган депутатларнинг асосий қисми қонун лойиҳасини қайта маъқулласа, у яна бир бор Сенатга юборилади. Агар юқори палата аъзоларининг ҳам кўпчилиги қисми уни маъқулласа, қонун лойиҳаси Президентга тақдим этилади. Юқори палата тасдиқламаган тақдирда қонун лойиҳаси жорий сессияда қайта илгари сурилиши мумкин эмас.

Сайловгача 18 ёшга тўлган мамлакат фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Мамлакатда сўнгги парламент сайлови 2015

йилнинг 7 июнида ўтказилди. Унда 203 ўринни қўлга киритган Мексика институцион-инқилобий партияси ғалаба қозondi. Миллий ҳаракат партияси 108, Демократик инқилоб партияси эса 56 мандатни қўлга киритиб, кейинги ўринларни банд этди.

Парламентда энг кўп ўринни қўлга киритган Мексика институцион-инқилобий партияси 1929 йил 4 март кўни Миллий-инқилобий партия номи билан тузилган. 1938 йилда Мексика инқилоб партияси деб қайта номланди. 1946 йилдан буён эса ҳозирги номи билан аталиб келинмоқда. У нафақат мамлакат, балки дунё тарихидаги энг нуфузли сиёсий партиялардан бири саналади. Чунки 1929-2000 йиллар оралиғида ўтказилган барча Президентлик сайловида ана шу партиядан кўрсатилган номзод Президент этиб сайланган. Фақат 2000 ҳамда 2006 йилларда ўтказилган Президентлик сайловида эса мағлубиятга учради.

1997 йилги парламент сайловида партия биринчи мартаба иккала палатада етарли ўринларни қўлга кирита олмади. Шундан сўнг у ўзини муҳолифат партия деб эълон қилади. 2003 йилги парламент сайловида яна муваффақият қозониб, 224 нафар номзоди депутат этиб сайланди. Бироқ 2006 йилги парламент сайловида Бош конгрессдаги ўринларни сезиларли равишда бой берди. Партиянинг 106 нафар вакили депутат, 39 нафар вакили эса сенатор этиб сайланди, холос. 2009 йилги сайлов партия учун яна омадли келди — қўшма палатада 241 мандатни қўлга киритиб, ғалаба қозondi. Қолаверса, 2012 йилда ўтказилган Президентлик сайловида партиядан номзоди илгари сурилган Энрике Пенья Ньето Мексика Президенти этиб сайланди.

Мексика институцион-инқилобий партияси давлат иқтисодиётда етакчи ўрин эгаллаган ҳолда, бозор фаолиятини назорат қилиши, эркин рақобатни таъминлаши, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириши, ижтимоий масалаларга олоҳида эътибор қаратиши лозим, деб ҳисоблайди. Партия ички бозорни кенгайтириш учун миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириши, бандлик ҳамда фуқароларнинг тўлов қобилиятини ошириш, мамлакат иқтисодиётининг АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатларига боғлиқлигини камайтириш тарафдори. Бу тағли сайловда партия давлат аппаратини молиялаштиришни камайтириш, таълим соҳасига кўпроқ маблағ ажратиш, электр энергиясига нисбатан тарифларни тушириш, янги солиқлар жорий этилишига йўл қўймастик сингари ташаббусларни илгари сурди.

Миллий ҳаракат партияси коррупцияга қарши курашиш, мамлакат бўйича ягона полиция тизимини жорий этиш, Демократик инқилоб партияси эса энг кам иш ҳақини ошириш, норасмий иш жойларидаги бандликни камайтириш, электр энергиянинг нархини тушириш, талабаларнинг жамоат транспортларида bepул қатнаш имконини яратиш каби ташаббусларни ёқлаб чиқди.

**Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири



Рангин дунё

## ИККИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ГУВОҲ ЎЙИНГОҲ

Германиянинг Дортмунд шаҳридаги "Сигнал Идуна парк" стадиони нафақат мамлакат, балки Европадаги энг муҳташам ва кўркам спорт иншоотларидан саналади. Унда Дортмунднинг "Боруссия" жамоаси ўзининг мезбон сифатидаги ўйинларини ўтказишига. Стадионда 1974 ҳамда 2006 йилги жаҳон чемпионати ўйинлари ўтказилган. Қолаверса, ушбу ўйингоҳда 2001 йилда Англиянинг "Ливерпуль" ҳамда Испаниянинг "Алавес" жамоалари иштирокида УЕФА кубоги (ҳозирги Европа лигаси)нинг финал ўйини ўтказилган.

Стадионнинг қурилиш тарихи ўзига хос. Дортмунднинг "Боруссия" жамоаси мамлакат чемпионати — Бундеслигада бир неча мартаба ғалаба қозонган, 1961 йилга келиб, клуб учун янги муҳташам ва замонавий стадион қуришга эҳтиёж туғилади. Клубнинг ўша вақтдаги ўйингоҳи — "Роте Эрде" жамоа эгаллаган мавқега мос келмай қолган эди. Бироқ ўша вақтда клубнинг молиявий имкониятлари яхши эмасди. Шу сабабли янги ўйингоҳ қуриш масаласи бир неча йилга орта сурилади. Фақат 1971 йилга келиб масалага ечим топилди. Чунки Германия 1974 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатида мезбонлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиб, ушбу стадионда бир неча ўйин ўтказилиши лозим эди. Шу тарихи 1971-1974 йилларда "Роте Эрде" стадиони яқинида 54 минг кишига мўлжалланган "Вестфаленштадион" номи ўйингоҳ бунёд этилади. Бу мамлакатдаги томи тўлиқ ёпишган илк стадион эди. Ўша замоннинг талабларига тўлиқ жавоб берган спорт иншоотида жаҳон чемпионатининг тўрт ўйини ўтказилди. Ўйингоҳнинг "Вестфаленштадион" деб номлангани бежиз эмас. Сабаби Дортмунд мамлакатнинг Шимолий Рейн-Вестфалия ерида жойлашган. 1992 йилда муҳлислар хавфсизлигини

таъминлаш мақсадида стадионнинг ўйинни туриб томоша қиладиган қисмини камайтиришга қарор қилинди. Натижада стадион 42 минг 800 ўринли бўлиб қолди. Бир неча йилдан сўнг ўйингоҳ шарқий томошагоҳида иккинчи қаватнинг бунёд этилиши билан унинг сизими аввалги ҳолатига қайтди. 1997 йилда Дортмунднинг "Боруссия" жамоаси китъадаги энг нуфузли мусобақа — Европа чемпионлар лигасида ғалаба қозонганидан кейин стадионнинг шимолий ва жанубий томошагоҳидаги ўриндиклар сони кўпайтирилади. Бу пайтга келиб стадион 68 минг 600 кишини сиғдира олар эди. Жанубий трибуна ўйинларни туриб томоша қилиш мумкин бўлган Европадаги энг йирик томошагоҳга айланди.

Спорт иншоотидаги сўнгги ўзгаришлар 2006 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионати арасида амалга оширилди. Бу сафар ҳам мамлакат жаҳон чемпионати мезбонлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган эди. "Вестфаленштадион"да ўриндиклар яхлитлигини таъминлаш мақсадида стадион бурчларида ҳам томошагоҳлар барпо этилди. Иншоотнинг том қисми алмаштирилиб, унга янги табло ўрнатилди. Муҳлисларга қулайлик яратиш мақсадида унга кириш ва чиқиш қисми кенгайтирилди. Одамларни битта-битта ўтказадиган



айланма гов — турникетлар ҳам янги сизга алмаштирилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари натижасида стадион туриб томоша қиладиган жойлар билан қўшиб ҳисоблаганда 81 минг 264 ўринли бўлди. Бугунги кунда "Сигнал Идуна парк"да "Боруссия" деб номланган клуб музейи фаолият кўрсатмоқда. Дортмунднинг "Боруссия" жамоаси иштирокидаги ўйинлар стадионда ўзига хос футбол атмосферасини ҳосил қилади. Бундай ўйинларда ўйингоҳда деярли бўш жой қолмайди. Одатда, стадионнинг жанубий томошагоҳидан жамоанинг ашодий муҳлислари ўрин олади. Улар жамоа футболчилари каби сариқ рангли либосларни кийиб олишади. Шу бонс бу томошагоҳ "сариқ девор" деб ҳам аталади. Халқаро мусобақалар пайтида ўйин-

гоҳнинг туриб томоша қиладиган қисмига ўриндиклар ўрнатилди, Бунинг натижасида у 65 минг 851 ўринли бўлиб қолди. 2005 йилнинг 1 декабрида клуб ҳамда "Signal Iduna" суурта компанияси ўртасида шартнома имзоланган, стадион "Signal Iduna park" деб қайта номланди. ФИФА талаби билан 2006 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатида стадион "FIFA World Cup Stadium Dortmund" деб номланган. Ҳозирги кунда эса УЕФА ҳамда ФИФА шарафигада ўтказиладиган мусобақаларда стадион "BVB-Stadion", деган номдан фойдаланилмоқда. Қизиги, клубнинг эски ўйингоҳи "Роте Эрде" ҳамон фаолият кўрсатмоқда. Олиб борилган таъмирлаш ишлари тўғрисида у айни пайтда 44 минг кишини сиғдира олади.

**Ш. ВОҲИДОВ**



### ЭНГ АРЗОН ЭЛЕКТР АВТОМОБИЛЬ

Ҳиндистоннинг "Tata Motors" компанияси "Nano" русумли автомобилни қайта ишлаб чиқаради: унга энди электр двигатели ўрнатилади, дейилади "ridus.ru" сайтида.



Компания матбуот хизмати маълумотларига кўра, "Tata Motors" муҳандислари янги модель учун электр қурilmolar яратишда маҳаллий "Joyem Automotives" компанияси мутахассислари билан ҳамкорлик қилади. "Tata Nano" бир қувватланишда 200 километр йўл боса олади.

Компания жорий йилда Ҳиндистон ҳукумати буюртмаси асосида илк бор 350 та ана шундай автомобиль ишлаб чиқаради. Электр машинанинг нархи ҳозирча номаълум, бироқ 2009 йилда унинг оддий варианты 2 минг 500 доллар тургани ҳисобга олинса, янги машина жаҳон электрокарлар бозорида энг арзони бўлиши кутилди.

### "МИТТИ" УЯЛИ АЛОҚА ВОСИТАСИ

"Clubit New" компанияси "Zanco Tiny T1" деб номланган дунёдаги энг кичик мобил телефони ишлаб чиқарди, деб хабар беради "hi-tech.mail.ru".



Телефонда фақат кўнғирок қилиш, хабар ёзиши мумкин. Унда ҳеч қандай ўйин, илова, Интернет, календарь ёки бошқа функциялар йўқ. Телефонга тўлақонли клавиатура ҳамда кичик монохромли 12,5 миллиметр кенгликка эга экран ўрнатилган.

Телефон 46,7 x 21 x 12 миллиметр ўлчамларга эга, оғирлиги эса атиги 13 грамм. Унинг хотираси 50 та СМСга мўлжалланган, 32 мегаватт оператив хотирага эга. Бироқ унинг нархи анча арзон — атиги 30 фунт. Илк маҳсулот кейинги йилнинг майда етказиб берилиши режалаштирилган. Лойиҳа "Kickstarter" сайти орқали ҳозирча 9 минг доллар йиғи олд. Маблағ йиғиш довом эттирилмоқда.

### "РЕКОРДЧИ"-КАМАЛАК

Камалак — вақтинчалик кўриниш берадиган табиат ҳодисаси. Бироқ Хитой Тайпейнинг Тайбей шаҳри яқинида маҳаллий аҳоли бу ҳодисани қарийб тўққиз соат кузатишга муваффақ бўлди, деб ёзади "vokrugsveta.ru".



Камалак шу йилнинг 5 декабрь кўни соат маҳаллий вақт билан 06:57 да пайдо бўлиб, 15:55 кўздан ғойиб бўлди. Шу тарихи у ролпа-росса 8 соату 58 дақиқа кўриниш берди. Ушбу ҳудудда кузатилган мавсумий муссон ёмғири, намгарчиликнинг юқорилиги, булутларнинг кўплиги, қуёш нури ҳамда шамолнинг энгил эсиб туриши (соатида 2,5-5 метр тезлик билан) унинг узок сақланиб қолишига сабаб бўлди. Аслида мазкур минтақада қиш мавсумида камалак ҳосил бўлиши янгилик эмас. Айни пайтда ушбу табиат ҳодисасини "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киритиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Бунинг учун маҳаллий аҳоли камалак тасвири туширилган кўп рақат суратлар, видеотасвирларни жамлаб тегишли комиссияга юбориши лозим. Агар "Гиннеснинг рекордлар китоби" комиссияси ушбу материалларни қабул қилса, у энг узок кўриниш берган камалак сифатида рекорд ўрнатади. Айни пайтда 1994 йилнинг 14 март кўни Йоркшир (Буюк Британия) да кузатилган камалак "рекордчи" бўлиб турибди. У маҳаллий вақт билан соат 9:00 дан 15:00га қадар кўриниш берган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Боқий мерос

## “ТОҒЛАРНИ КЎТАРГАН ТУПРОҚ ГИЛИМАН...”

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ БАХШИСИ ЧОРИ БАХШИ УМИРОВ ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Юрагингиз овозига ўхшаш садони эшитсангиз, қалбингиз шодланиб, чексиз қувончга тўлиб кетади. Мудом шу садо муҳабби бўлиб, уни излаб юрасиз. Дўмбира жаранг сочганда, унга қўшилиб кўйлай бошлашнинг сабаби ҳам ҳар бир сўз, ҳар бир оҳангнинг ўзига хос фазилатини англаган бахшининг ижро маҳоратида. Ғуборли дилдан егани қуваган, тош юракни мумдайд эритган бу садога бунчалар ихлосимиз — унинг қалбимизга қон билан, она сўзи билан кирганлигида. Шу боис уни тинглаганда, ўзимизни-да, кўнглимиз-да галаён ураётган тўйгуларни-да англолмай қоламиз баъзида. Гўё бу садо жон-танамизда ҳаёт қўшиги бўлиб янграйди-ю, бахшининг соҳир овози дўмбира жарангида жўр бўлиб дилларни сел қилади:

Тоғларни кўтарган тупроқ гилиман,  
Чертар бўлсам унинг гавҳар тилиман.  
Айтар бўлсам унинг чечан тилиман,  
Умир бахши куйлаб ўтди элатда,  
Отим Чори — шу бахшининг улиман...

Бу сўзларнинг бари самимий, дилдан тўкилиб тушаётгани оён. Йўқса, бахшининг миждасида шукроналик ёши, муҳлислар хитобиди олқиш бўлармиди? Шеробод, достончилик мактабининг номдор вакилларида бири Чори бахши Умиров термасига сиз ҳам қўлоқ беринг-а. Қадим бахшилар боғининг тоза, покиса гули бўлиб очилган хўшбўй ифор борлиқни тутаётгандай, гўё. Дардақиш, сирдоши, ҳамроҳи бўлган бу сўзни қачонлардир неча “олтин кўллар” куйга солгану тилга олган. Юракнинг тилмочи, чечан бўлбули бўлиб у ҳам борини яширмай, бахшини шоширмай равоан йўлга солгандек гўё:

“Бахшиман-да жўшиб-жўшиб куйлайин,  
Айтар гапни юрагимга жойлайин.  
Бир майдонга мен ҳам энди сўйлайин,  
Бир майдонга куйлагинда дўмбирам,  
Сенинг энди ўтмишингдан сўйлайин...”

Бахши айтмоқчи бўлиб таратқиланган ўтмиш аслида бахшилар силсиласининг ҳаёти, кечмиши билан боғлиқ. Бунда Шеробод достончилик мактабининг оташин бахши-шоирларидан саналган Шерна бахши, унинг муносиб издоши бўлган Умир бахши ва улар ижодидан баҳраманд бўлган кўплаб бахшиларнинг қалб эътирофи янглиг жаранглаётган.

Ана шундай муҳитда тарбия топган Чори Умиров кўлига бахшилик сўзини олганида, хали ўн тўрт ёшли бўз йигит эди. Отаси Умир бахши даврада оловдек ҳароратланиб, юрак уришини ўзгаларга-да сездирган сеҳрли лаҳзаларга гўвоҳ ва халқнинг ўлмас санъатига чин муҳлис бўлди. Аввалига отаси достонлар орасида нафас ростлагунча кичик терманлар куйлаб, муҳлисларни “совутмасдан” ушлаб



турарди. Боласига элнинг олдида “ҳайт, тўхта!” деёлмаган бахши бошида ранжиган бўлса, кейинчалик одамлар уни ҳам тинглаётганини сезиб, ўзи навбат берадиган бўлди. Шерна бахшидан нақд 100 достонни ўрганган бахши боғидаги ниҳоллар вақт ўтиши билан уни яна юзга кўпайтиришига, маънавий улғаймоғига умид боғлади. Мана, Умир бахшининг авлодидан ўзини киши Ўзбекистон халқ бахшиси унвонига сазовор қилди. Чори бахши Умиров ана шундай авлод вакилидир.

80 ёшни қоралаган бахшининг чеҳрасида аломат кулгу пайдо бўлиб, юзи кундай ёришади. Зеро, гўзаллик, жисмоний ва маънавий камолот, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, садоқат, муҳаббат, мурувват, ахлоқий сингари инсоний фазилатлар маҳд этилган достонлар руҳида тарбия топган авлод қалби ҳаммиша эзгуликларга ошён, ёшлик ҳарорати билан тўла бўлади.

— Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бахшилар учун илҳом манбаидир, — дейди у. — Бу устимда яна-да кўпроқ ишлашга, янги-янги ижролар қилишга ундаётди.

Шундан сўнг сўзининг исботи сифатида кўлимизга нашр учун тайёрлаган достон ва асарлар рўйхатини тўтқазди.

Ҳайратимиз сўзимизда зоҳир бўлиб, меҳримиз ҳам бахши бобонинг қалбидоғи ёшлик шиддати каби ошаверди. Мана, уларга сиз ҳам бир боқинг-а: “Гўрўғлининг тугилиши ва Чамбилга подшоҳ бўлиши”, “Ғойибнома. Гўрўғлининг сўнги кунлари”, “Таркибадахшон”, “Малла савдогар”, “Олтин қабак”, “Эрали”, “Шерали”, “Уйнигар. Шералининг уйланиши”, “Авазхоннинг тугилиши ва Чамбилга келиши”, “Ёдгор”, “Алп Кўнғиротбек”, “Шомурод”, “Темурбекнинг тугилиши ва болалиги”, “Буюк Соҳибқирон”,

“Моҳиғулистон”, “Улуғой”, “Устоз бахшининг дуоси” каби тўпламлар. Ахир шунча асарни нашрга тайёрлашнинг ўзи бўлмайдими-ку. Буларнинг ичида тарихий шахслар — Соҳибқирон Амир Темур билан боғлиқ янги достонлар ҳам бор.

— Бу асарларнинг айримлари нашр қилинган, қолганлари ҳам бирин-кетин чоп этиб келинмоқда, — дейди фольклоршунос олим Рўзиқул Мустафоқулов. — Чори бахши доимо олимлар ҳузурига шошади, улардан илмий асосланган маълумотлар йиғади. Қайсидир жиҳат, албатта, бахши юрагига ўт ёқиши керак. Аксинча, ҳаммаси бефойда, ҳароратсиз, нурсиз чиқади. Асосланмаган фактларга таянган асар тингловчининг ҳам, ўқувчининг ҳам зериктиради. Муваффақиятсиз иш юракда битиши қийин бўлган чўқур из қолдиради, натижада бахши ижодига танаффус юзюга келади. Чори бахши бундай ҳолатга тушмаслик учун доим аждодлардан мерос келаётган аъёнларга таяниб иш кўради.

Чори бахши кўлига дўмбира тутқазиб, халққа яқинлаштирган ва унинг ажралмас қисмига айланган бахши боболарини кўп эслади. Уларни дуо қилади. Аждодларининг пок руҳидан овозига овоз, созига саз кўшилади, дейди.

— Отам бир достонни бошқа тўйда айтмас эди, — дейди Чори бахши. — Тўйларда изма-из “Алломиш” ёки “Гўрўғли” дан қисм айтиларди, қолгани кейинги кун давом этарди. Достонни муқаммал ўрганиши учун ана шу олтин лаъзаларни бой бермасликка ҳаракат қилардик. Маромига етиб куйланган достонни тинглаган одамларнинг бахши отрофида сеҳрлангандек ўтиришларини кўп кузатганман. Отамнинг ёнида узок юрдим. Юрагимга яқин у овоз ҳануз қўлоқларим остида жаранглайди...

Ўзбек достончилигида алоҳида ўрин эгаллаган Шеробод мактаби тўғрисида фольклоршунос олимларнинг кўплаб илмий тадқиқотлари мавжуд. Айтиш жоизки, Сурхон воҳаси фольклори, хусусан, достончилик материалларини кенг миқёсда тўллаш ва ўрганиш, жонли жараёни изчил кузатиш ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланди. Бу вазифани бажаришда асосан фольклоршунос олим Абдумўмин Қоҳқоров раҳбарлигидаги Қарши давлат университетининг тадқиқотчилари катта ишни амалга оширди. 1953-1998 йиллардаги узлуксиз фольклор-этнографик экспедицияси натижасида XVIII асрнинг охиридан ҳозиргача яшаб, ижод

қилган ва достончилик аънасини давом эттирган 250 дан ортиқ бахши фаолияти тадқиқ этилди.

Бу санъат равнақида Шеробод бахшичилик мактабининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шеробод бахшичилик мактаби вакиллари “Гўрўғли”, “Алломиш”, “Рустамхон” туркумини куйлаш билан бирга, ўзбек эпосини бойитувчи қатор достон ва туркумлари билан ҳам ном қозонган. Жумладан, “Алломиш” туркумини тўлдирувчи “Бева Барчин”, “Кўнғирот”, “Қалдирғоч”, “Шомурод”, “Худоёр” (ёхуд Йўлчибек), “Гўрўғли” силсилавий достонларини муқаммаллаштирувчи “Ғойибнома”, “Шахиднома”, “40 қасамёд”, “Авазнинг тугилиши”, “Малла савдогар”, “Ота-она дуоси”, “Нурали ва Семурғ”, “Шерали”, “Зулфиддин”, “Жархун мастон”, “Сув париси”, “Таркибадахшон”, бахши-шоирлар эътиқоди, ахлоқини улғовчи “Олланазар Олчинбек”, “Бахши” сингари достонлар Шеробод бахшичилик мактабига хосдир.

Бу поэтик мактаб вакиллари республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги бахшилардан дўмбирани кўп ва хилма-хил оҳангларида ижро этиши, “Авазхон” ва “Нурали” туркумидаги достонларини ўзгача иҳлос билан айтиш жиҳатидан ҳам ажралиб туради. Гўрўғлининг невараси Нурали ҳақида 20 дан ортиқ достон мавжудлиги, шу туркумга доир “Малла Савдогар” достонининг ҳатто икки версияси борлиги воҳада Нуралининг эпик қаҳрамон сифатида машҳурлигини кўрсатади.

Чори бахши Умиров мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг фармонида кўра, “Ўзбекистон халқ бахшиси” унвони билан тақдирланди. Ўн икки фарзанд, юзга яқин неваро-ю чеваралар ардоғидаги бахши бобо ҳақидаги хурсандчилик хабари яқин-йироқларга етди. Тоғу доволар оша бахшини кўтламоқ ниятидаги меҳмон, муҳлислар оқими ҳамон бардавом.

— Давлатимизнинг бу юксак мукофоти менга куч-ғайрат, илҳом бағишламоқда, — дейди бахши. — Мустақиллик йилларида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, ботинида яшаётган тадбиркорлик қуввати юзюга чиқди. Бунинг натижасини дастурхонимиз тўкиниги, ҳар томонлама соғлом фарзандларимиз, тотув оиламиз мисолида ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Буни дунё тан олмақда. Тинч-осуда ва фаровон юртда бахшилар жўшиб куйлайди. Ўзбекистонимиздаги ҳар бир ўзгаришнинг ўзи бир достондир.

... Бахши илҳом, иҳлос ва меҳр билан дўмбира чертади. Кўнглимизда бахши элнинг нияти улғу, руҳи баланд, ўзи эса Алломишдек ботирлигига бўлган ишончимиз янада мустаҳкамланди.

**Илҳом ШОЙМАРДОНОВ,**  
**Термиз давлат университети**  
**ўқитувчиси,**  
**Баҳром НОРМУРОДОВ,**  
**“Milliy tiklanish” муҳбири**

Реклама

## КАРМАНА ТУМАНИДАГИ “O'ZMINDA” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳолисини

# Янги 2018 йил

билан қутлайди.

Озод ва обод Ватанимизнинг ҳар

бир гўшасида файзу барака,

тинчлик-хотиржамлик аримасин!

## Янги йилингиз муборак!

Хизматлар лицензияланган



MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ” АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Сувон НАҲБИДДИНОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммадjon ҚУРОНОВ, Исмаи ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.  
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

“ШАРҚ” нашрийт-матбаа акцијдорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.  
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 116, Адади — 9201. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ

Навбатчи: Шаҳзод ҒАФФОРОВ

Саҳифаловчи: Жалолиддин УРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Ўза якуни — 22.05. Топширилди — 23.30.

ISSN 2010-7714



772010771003 12 156